# ЮРТИМИЗДА ХИТОЙ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Хитой маданияти кунлари доирасида Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар зали ва Замонавий санъат марказида мазкур юрт мусаввирлари ва фотоусталарининг кўргазмалари очилди. Кўргазмада намойиш этилган юздан зиёд асарда Хитойнинг бугунги ҳаёти, табиати, тарихий обидалари, миллий анъаналари, урф-одати, турмуш тарзи ўз ифодасини топган.

Дунёга донғи кетган «Гуань Чжоу» цирки усталари ўзларининг маҳорати, юксак санъатини томошабинларга намойиш этди. Ушбу жамоа АҚШ, Австрия, Буюк Британия, Германия, Франция, Дания каби давлатларда ўтказилган халқаро танловларда кўплаб мукофот ва совринларни қўлга киритган.

Халқларни бир-бирига яқинлаштиришда мусиқа санъатининг қудрати беқиёс. «Туркистон» саройи, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида намойиш этилган концертларда бу яна бир бор ўз аксини топди. Хитой филармонияси бадиий жамоаси ижроси орқали ҳамюртларимиз ушбу халқ миллий мусиқа санъатининг энг ноёб намуналари билан танишди. Бундай маданий тадбирлар қадимий Самарқанд шаҳрида ҳам ўтказилди.

Ўзбекистонда Хитой маданияти кунлари воқеаларга бой, сермазмун, байрамона руҳда ўтгани тадбирнинг ёпилиш маросимига бағишланган кечада алоҳида таъкидланди. Маданият кунлари якунланган бўлса-да, халқларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораверишига шубҳа йўқ.

Хитой маданияти кунларига бағишлаган тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев, ХХРнинг Ўзбекистондаги элчиси Гао Юйшэнь иштирок этди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Ибрат*

***Мулк шаклидан қатъий назар ҳар бир ташкилотда жамоат ташкилоти ўз ўрни, нуфузини топа билди. Айниқса, соғлом турмуш ва меҳнат тарзини таъминлаш борасидаги ижобий қадамлар кўзга ташланиб қолди. Биргина Сирдарё вилоятида касаба уюшмалари ташаббуси ва ҳомийлигида ўтган фурсатда саломатликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи юздан зиёд тадбир ўтказилди. Маҳалла ва касаба уюшма ҳамкорлиги, ҳудуддаги ҳар бир ёшни спортга тортишга уриниш ўз натижасини беряпти. Вилоятдаги қатор маҳалла ва қишлоқларда касаба уюшма ташкилотлари спортни ривожлантиришга ҳомийлик қилиб келяпти.***

# ҲОМИЙЛАР

Ўтган беш ойда Боёвут, Гулистон, Сайхунобод туманларидаги энг чекка маҳаллалар болалари касаба уюшма кўмагида амалий машғулотларга киришди. Бундай хайрли ишлар барча маҳаллага кириб боришининг чора-тадбирлари кўриляпти.

«Сардоба», «Работ», «Бўстон» ва «Зомин» маҳаллалари энг чекка қишлоқларда жойлашган. Бу ерларда улғаяётган юзлаб ёшлар ҳануз на ўйингоҳга, на бир спорт анжомига эга эди. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг вилоят қўмитаси ана шу эътибордан четда қолаётган қишлоқларда спортни ривожлантиришни ўз зиммасига олди. Маҳалла қўмитаси, қишлоқ фаоллари ва касаба уюшма вакиллари саъй-ҳаракати билан ташландиқ майдон тартибга келтирилди. Турли спорт мажмуалари барпо этилди.

– Спорт мажмуаси иш бошлаган куниёқ 30 нафар қишлоқ ёшлари қўл тўпи, минифутбол, таэквондо тўгаракларига қатнашиш истагини билдиришди, –дейди агросаноат мажмуи ходимлари Сирдарё вилоят қўмитаси раиси Абдурашид Рустамов. – Уч нафар малакали спорт мураббийси ёшлар тарбиясига жалб этилди.

Шу куни касаба уюшма ташкилоти ёшларга 250 минг сўмлик спорт анжомлари, кийим-кечаклар тухфа этишди. Эътиборли жиҳати қўмита мазкур мажмуани ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, турли мусобақаларда иштирок этишга ҳомийлик қилишни ўз зиммасига олди.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**



Аҳоли ва саноат корхоналарини табиий газ билан таъминлашда «Самарқандгаз» ҳудудий газ таъминот корхонаси жамоасининг хизмати беқиёсдир. Жамоа шу йилнинг беш ойида қарийб 68 километрлик турли босимда газ қувурларини ётқизди.

Иштихон туманидаги «Азамат», «Туркистон», Нарпайдаги «Олтинбулоқ», Пойариқдаги Отақул Умаров номли ширкат хўжаликлари зангори олов билан таъминланди. Шунингдек, Ургут туманидаги Шароф Рашидов ва Нуробод туманидаги «Каттақўрғон» ширкат хўжаликлари аҳли ҳам газчилардан мамнун бўлмоқда.

**Суратда: операторлар Д.Муҳаммадиева ва Р.Исоқулов.**

**Т.НОРҚУЛОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

## Саволингизга ЎзКУФКнинг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон ИСАЕВ жавоб беради



**Савол: Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар ҳақида батафсил маълумот берсангиз?**

**Қ.ТОШНИЁЗОВ,**
**Қибрай тумани**

**Жавоб:** Солиқ Кодексининг 58-моддасига биноан қуйидаги даромадлар жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайди:

а) давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар, ишсизлик бўйича нафақалар ва меҳнат шартномаси бекор қилинганда тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларидан (шу жумладан оиланинг бемор аъзосини парваришлаш нафақаларидан) ташқари, шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан фуқароларга пул ва натура шаклида бериладиган нафақалар ҳамда бошқа ёрдам турлари;

б) олинадиган алиментлар;

в) олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ҳамда ҳунар-техника ўқув юртлари ҳамда улар базасида ташкил этилган бизнес мактаблари, шу жумладан олий ва ўрта диний ўқув юртлари томонидан ўз талабаларига ва ўқувчиларига тайинланадиган стипендиялар, шунингдек ушбу модданинг «а» кичик бандида кўрсатилган жамғармаларнинг маблағларидан таъсис этиладиган стипендиялар;

г) ––––––

д) давлат пенсиялари, шунингдек уларга устамалар;

е) шахслар қон топширганлик учун, донорликнинг бошқа турлари учун, она сути топширганлик учун оладиган маблағлар, шунингдек тиббиёт муассасаларининг ходимлари қон йиғиб топширганликлари учун оладиган маблағлар;

ж) майиб бўлиш ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши билан боғлиқ ҳолда, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги муносабати билан кўрилган зарарни қоплаш юзасидан олинадиган маблағлар;

з) фуқароларнинг хорижда ишлашга юборилиши муносабати билан давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларидан чет эл валютасида оладиган иш ҳақлари ва бошқа даромадлар - қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорлар доирасида;

и) жисмоний шахсларнинг хусусий мулк ҳуқуқи асосида ўзларига қарашли бўлган мол-мулкни сотиш натижасида оладиган даромадлари, тадбиркорлик фаолияти доирасида мол-мулк сотишдан олинган даромадлар бундан мустасно;

к) шахсларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликда етиштирган қорамол, қуён, нутрия, балиқ, паррандаларни ҳам тирик ҳолатда, ҳам уларни сўйиб маҳсулотларини хом ва қайта ишланган ҳолда, шунингдек асаларичилик маҳсулотларини ва бундай хўжаликда етиштирилган табиий ёки қайта ишланган деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олган даромадлари. Фуқарода шахсий ёрдамчи хўжалик мавжудлиги маҳаллий ҳокимият органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маълумотномаси билан тасдиқланади;

л) бир йил мобайнида юридик шахслардан олинган энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваригача бўлган миқдордаги қимматли совғалар қиймати, шунингдек халқаро ҳамда республика танлов ва мусобақаларида олинган соврин буюмлари қиймати;

м) мерос қилиб қолдириш ва ҳадя қилиш натижасида олинган даромадлар ва мол-мулк қиймати, фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифларининг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари) оладиган муаллифлик ҳақлари бундан мустасно;

н) давлат заёмларининг облигациялари ва лотереялар бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар;

о) фуқароларнинг суғурта бўйича оладиган даромадлари;

п) бир йил мобайнида берилган моддий ёрдамлари:

-табиий офатлар, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдамлари - тўлалигича;

-вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзолари вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдамлари - энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;

-бошқа ҳолларда - энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;

р) депозит сертификатлар бўйича даромадлар, банклардаги омонатлар ва давлат хазина мажбуриятлари бўйича фоизлар ва ютуқлар;

с) фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларининг давлат корхоналари мол-мулкини сотиб олиш, хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини сотиб олиш, «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг шахси кўрсатилган уй-жой облигацияларини харид қилишга ва шу мақсадлар учун берилган кредитларни узишга йўналтирилган маблағлари, шунингдек акциялар бўйича олинган ҳамда дивидент тўлаган акциядорлик жамиятининг акцияларини сотиб олишга йўналтириладиган дивидентлар. Мазкур мол-мулк сотилганида илгари солиқ солишдан озод қилинган даромадларига умумий асосларда солиқ солинади;

т) патент эгаси бўлган жисмоний шахснинг (лицензиарнинг) саноат мулки объектларидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланишдан ёки фойдаланиш бошланган санадан эътиборан амал қилиш муддати доирасида уларга лицензиялар сотишдан, шунингдек лицензиат саноат мулки объектларидан фойдаланишдан олган даромади:

ихтиролар ва селекция ютуғидан фойдалана бошлаган санадан эътиборан - беш йил давомида;

саноат намунасидан фойдалана бошлаган санадан эътиборан - уч йил давомида;

фойдали моделдан фойдалана бошлаган санадан эътиборан - икки йил давомида;

у) болалар лагерлари ва бошқа соғломлаштириш лагерларига, ота-оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт муассасаларига бориш учун болалар ва ўсмирларга бериладиган йўлланмалар қийматини, шунингдек ўз ходимларининг амбулатория ёки стационар тиббий хизматдан фойдаланиш қийматини тўлиқ ёки қисман компенсациялаш тартибида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз ходимларига ёки улар учун тўлаган маблағлар. Кўрсатиб ўтилган тўловлар жумласига ногиронларнинг соғломлаштириш ва санаторий-курорт муассасаларига берилган йўлланмалари қийматини, даволаниш ва тиббий хизматдан фойдаланиш, ногиронликнинг олдини олиш мақсадида техника воситалари сотиб олиш учун ҳамда ногиронларнинг саломатлигини тиклаш учун қилинган харажатларни тўлиқ ёки қисман тўлаш тартибида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тўлаган маблағлар ҳам киради;

ф) амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган меъёрлар доирасидаги товон тўловлари, меҳнат шартномасини бекор қилиш пайтида фойдаланилмаган таътил учун бериладиган товонлар бундан мустасно;

х) вақтинчалик бир марталик ишлар (мардикорлик)дан тушган даромадлар, агар бундай ишларга ёлланиш вақтинчалик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга оширилган бўлса.

Қуйидаги жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқдан озод қилинадилар (59-модда):

1) тўлалигича:

а) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ва аъзолари ҳамда консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, - Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

б) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ва уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, - Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

в) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, - ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

г) хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, - ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

д) ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари - агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, ушбу ташкилотлардан олган даромадлари бўйича;

е) Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ва божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига мансуб шахслар, шунингдек ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар - хизматни ўташ (хизмат вазифасини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлари бўйича;

ж) гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия эгалари - гастрол-концерт фаолиятидан олинган даромадлар бўйича;

з) прокуратура органларининг малака даражасига эга бўлган ходимлари.

Ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида:

2) қисман:

а) «Ўзбекистон Қаҳрамони»... «Меҳнат қаҳрамони» унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги «Шуҳрат» ордени билан тақдирланган шахслар, уруш ногиронлари ёхуд 1941-1945 йиллардаги уруш даврида ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёки шикастланиш оқибатида ёхуд фронтда бўлиши билан боғлиқ касаллик туфайли ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган бошқа ногиронлар, собиқ партизанлар жумласидан бўлган ногиронлар, шунингдек пенсия таъминоти бўйича мазкур тоифадаги ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган бошқа ногиронлар;

б) хизматни ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда ўтаган ҳарбий хизматчилар, собиқ партизанлар жумласидан бўлиб, фуқаролар уруши ва 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари... 1941-1945 йиллардаги уруш даври меҳнат фронтининг фахрийлари ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари;

в) Ленинград қамали пайтида 1941 йил 8 сентябрдан 1944 йил 27 январгача бўлган даврда Ленинград шаҳрида ишлаган фуқаролар;

г) ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий хизматчилар жумласидан бўлиб, хизмат вазифаларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ва шикастланиш оқибатида ногирон бўлиб қолганлар;

д) болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари;

е) қаҳрамон оналар, ўн ва ундан ортиқ боласи бўлган аёллар;

ж) Ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланиш, контузия бўлиш ёхуд шикастланиш оқибатида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва рафиқалари;

з) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;

и) Чернобил АЭСдаги фалокат оқибатида жабр кўрган шахслар;

к) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар;

л) икки ва ундан ортиқ боласи бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва эркаклар;

м) болалигидан ногирон бўлган ва доимий парваришни талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онасидан бири;

н) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртлари томонидан қишлоқ хўжалик ишларига юборилган фуқаролар - ушбу ишларни бажарганлик учун олган даромадлари бўйича.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган жисмоний шахсларнинг қатор тоифалари учун имтиёзли даромад солиғи даражалари белгиланган. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган имтиёзли тарзда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, вазифалар ва кўрсаткичларнинг 1-, 2- ва 3-сонли рўйхатларида кўрсатилган шахсларнинг оғир ва зарарли шароитларда олган даромадларини солиққа тортиш даражаси 25 фоиздан (шу жумладан, 1-сон рўйхатнинг III-қисмида, 2-сон рўйхатнинг I-қисмида кўрсатиб ўтилган ишларда банд бўлган аёллар учун 20 фоиздан) ошмаслиги керак (Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 мартдаги 72-сонли ва 1999 йил 17 мартдаги 117-сонли қарорлари).

Шунингдек, табиий иқлим шароитлари ёмон жойларда ишлаш билан боғлиқ бўлган қўшимча тўловлар тарзида олинган даромадларга энг кам солиқ ставкалари (15 фоиз) бўйича солиқ солинади (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 24 декабрдаги 562-сонли қарори).

Жисмоний шахсларнинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи улар ҳисобот йили учун тегишли ҳужжатларни тақдим этганда вужудга келади.

## «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ





*Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?*

# АЙЛАНМА МАБЛАҒ КЎПАЙМОҚДА

***«Ҳамкор банк»нинг Янгийўл шаҳар бўлимида айни пайтда 540 мижозга хизмат кўрсатиляпти. Шундан 90 фоизи хусусий тадбиркорлик субъектларидир.***

Шуниси эътиборлики, хусусий мулк эгаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида банк филиали томонидан ажратилаётган кредитлар миқдори йил сайин ошиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 700 миллион сўмдан ортиқ миқдордаги кредит ажратилди. Ушбу кредитларнинг 31 фоизи ишлаб чиқаришга, 14 фоизи қишлоқ хўжалиги, 12 фоизи савдо-тижорат йўналишига, шунингдек, 35 фоизи аҳолига истеъмол кредит йўналишидаги мақсадлар учун тақсимланди. Бу ўз навбатида, корхоналар айланма маблағларини кўпайтиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Шаҳардаги тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги хизмат турларини ташкил этиш учун имконият яратди. Масалан, «Афросиёб» хусусий фирмасига берилган 5 миллион сўмлик кредит ҳисобига умумий овқатланиш шохобчаси ишга туширилиб, янги иш ўринлари яратилди. Шунча миқдорда кредит олган «Когун-А» хусусий фирмаси эса компьютер ўқув курсларини ташкил этди. Бу «Ҳамкор банк»нинг Янгийўл шаҳар филиалида олиб борилаётган ишларнинг бир қисми, холос.

– Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «Нақд пул муомиласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига асосан бир қанча ишларни амалга оширяпмиз, - дейди банк филиали бошқарувчиси Хуршидбек Қобилов. – Чунончи, мижозларга, тадбиркорлик субъектларига ўз вақтида иш ҳақи учун кўзда тутилган нақд пулни бериш, мижозларнинг ҳисоб рақамларига маблағларни ўтказиш ҳамда кўчиришни белгиланган тартиб асосида амалга ошириш ана шулар сирасига киради.

Шуни қувонч билан эътироф этиш жоизки, кейинги йилларда мижозларнинг банкка бўлган ишончи янада ортди. Бунга бу ерда қўшимча 100 га яқин мижозларнинг ҳисоб рақамлари очилганлиги ҳам мисол бўла олади. Бир сўз билан айтганда, «Ҳамкор банк»нинг мазкур бўлим жамоаси мижозларга бугунги кун талаби доирасида хизмат кўрсатиш ва шу асnода уларнинг энг яқин, ишончли ҳамкорига айланиши учун барча имкониятни ишга солмоқда.

**А. АЛЛАМУРОДОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ҲАММАСИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

*Табиат ва биз*

Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятини ташвишлантираётган умуминсоний муаммолардан бири экология масаласидир.

Инсон ва табиат муносабатларидаги кескин ўзгаришлар, фан ва техника ютуқларининг ишлаб чиқаришга, маиший ҳаётга татбиқ этилиши, ер юзи аҳолисининг кескин кўпайиши табиий жараёнларни тобора чигаллаштириб юбормоқда. Инсон ишлаб чиқарувчи куч сифатида табиатни ўзлаштирувчи ва ўзгартирувчи субъект ҳисобланади. Бу тизим ривожланиши туфайли инсоният фан ва техника соҳасида буюк ютуқларга эришяпти. Лекин бунинг оқибатида ғайриэкологик хатти-ҳаракатлар билан ер юзини ҳалок қилувчи хавф-хатар кескинлашмоқда, яъни антропоген омил таъсирида табиий муҳитда рўй бераётган ўзгаришлар назорат қилиб бўлмайдиган даражага етиб, салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Натижада бугунги кунга келиб умумбашарий, минтақавий, маҳаллий экологик муаммолар авж олиб кетди. Айниқса, «ёқилғи муаммоси» жаҳон ҳамжамиятини ташвишлантирмоқда. Табиий газ ва нефт заҳираси 90-100 йил, тошкўмир 120 йилга етиши тахмин қилинмоқда.

Кейинги100 йил ичида ер юзининг ўртача ҳарорати ортганлиги аниқланган. Бу атмосферадаги карбонат ангидрид (CO2) миқдорининг ортиб бориши туфайлидир. Атмосферанинг саноат ва автотранспортдан чиққан чиқиндилар билан заҳарланиши шундай давом этаверса, XXI аср охирига бориб ер юзининг ҳарорати янада кўтарилиши мумкин. Иқлимнинг бундай ўзгариши сувсизлик, ёғингарчиликлар, географик зоналарда сув сатҳининг кўтарилиши, музликларнинг эришини тезлаштиради.

Битта автомобил йил давомида 100 килограмм заҳарли газларни атмосферага чиқаради. Жаҳон саноати ҳар йили табиатга 32 миллиард метр куб ифлосланган сув, 70 миллион тонна заҳарли газлар ва 250 миллион тонна чангни ташламоқда. Оқибатда, ернинг ҳаёт қобиғи бўлмиш биосфера ўзини поклашга ожизлик қилмоқда. Бугунги кунга келиб атмосферада заҳарланган карбонат ангидрид газининг миқдори қарийб 20 фоизни ташкил қилмоқда.

Сув таъминотининг манбаи ҳисобланган дарёлар, кўллар, музликлар ифлосланмоқда. Инсониятнинг энг катта озиқ-овқат манбаи бўлган океанлар ҳам тараққиёт қурбонига айланмоқда. Экологик вазиятнинг ниҳоятда кескинлашиб кетишини «Орол денгизи» муаммосидан ҳам кўриш мумкин.

Чорак аср давомида Орол ҳудудида яшаётган кишилар кўз ўнгида 6 миллион гектар ерни ўз ичига олган денгиз қуриб бормоқда. Бундай ерлар қум ва туздан иборат саҳрога айланяпти. Энг ачинарлиси, бу ҳолат кишиларнинг саломатлигига салбий таъсир қилиб, турли касалликлар кўпайишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун Оролнинг ҳозирги ҳолатини сақлаб қолиш муҳим ва долзарб масала бўлиб қолди. Юзага келган муаммони бартараф этиш умумбашарий аҳамият касб этаётгани ҳам шундан.

Бунга атроф-муҳитни муҳофаза этиш, табиий бойликларни сақлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, инсоният тараққиёти учун шарт-шароитларни таъминловчи ресурслардан оқилона фойдаланиш орқалигина эришиш мумкин.

**Фарҳод ШОАЗИЗОВ,**
**Жаҳонгир АЮПОВ,**
**Тошкент молия институти талабалари**


# «ОЛОЙ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

*Жамиятнинг Низом жамғармаси асосий воситалар ҳисобига акциядорлар улушларига қараб (2004 йил 12.04 «Эмиссия Проспекти») 50899,9 минг сўмга ажратилганлиги муносабати билан қўшимча акцияларни расмийлаштириш ишлари бошланди.*

*Акциядорларни Жамият маъмурият биносига (А.Темур кўчаси, 40 уй) ҳужжатларни расмийлаштириш учун ўзингиз билан паспорт олиб келишингизни сўраймиз.*

**«Олой деҳқон бозори»**
**ОАЖ маъмурияти**

